

Узоқ муддатли кредитлаш шартномаси
№2015/335

Гулистон ш.

2015 йил «23» декабр

Бундан буён шартнома матнида «Банк» деб юритилувчи «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ нинг Сирдарё филиали номидан Низом ҳамда Ишончнома асосида иш юритувчи О.Т.Рахмонбердиев бир томондан, ҳамда бундан буён матнида «Қарздор» деб юритилувчи «Sirdaryo vino» АЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи, жамият раҳбари Джуманов Таҳир Сатторович иккинчи томондан куйидагилар хақида шартнома туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарздорга мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш мажбуриятини, Қарздор эса уз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фойзалар тулаш мажбуриятини олади.

2. Кредитнинг шартлари

2.1. Кредит суммаси: 500 000 000 (Беш юз миллион) сум.

2.2. Кредит муддати: 18 (ун саккиз) ой муддатга, 8 ойлик илтифозли давр билан.

2.3. Кредит буйича асосий қарзни қайтариш жадвали (графики) 1-иловага асосан сундирилади.

2.4. Кредит буйича фойз ставкаси 10 (ун) фойз йиллик.

2.5. Фойзаларни тулаш муддати: Мемориал ордер орқали ундирилади. Фойзаларни ойнинг 25 санасигача тулаш.

2.6. Кредитнинг мақсади ва объекти: "Айланма маблағларни тўлдириш мақсадида, спирт хомашёси ва тайёр шиша идишлари харид қилиш" учун.

2.7. Банк хизматлари буйича Банк Бошқарувининг 2015 йил 3 февралда 21-сон билан тасдиқланган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ тизимида банк хизматлари кўрсатиши буйича Таърифга асосан: Кредит ҳисобваразини юритиши учун йиллик 2 (икки) фойз миқдоридан банк хизмат ҳақи кредит шартнома муддати давомида кредит қолдиги доирасида мижознинг 16397-тегишли ҳисобваразидан кунлик ҳисобланади ва ҳар ойнинг 25 санасига мемориал ордер тўлов ҳужжати билан ундириб борилади.

Кредит ажратиши билан боғлиқ ишларни таъкиллаштириши буйича фойдаланилган кредит миқдоридан 1,5 % миқдоридан ҳақ ундириши..

3. Шартнома тузулиши

3.1. Қарздор куйидагиларни тасдиқлайди ва қафолатлайди:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги буйича лозим тарзда тузилган ва рўйхатга олинган юридик шахс ҳисобланади;

- мазкур шартномани тузиш ва унинг ижроси, шартноманинг барча шартлари Қарздорнинг таъбиис ҳужжатларига зид эмас;

- Банкка тақдим этилган молиявий ҳисоботлар хақикий ва улар Қарздорнинг молиявий аҳолини аке эттиради. Қарздор Банкка тақдим этилган молиявий ҳисобот ва бошка ҳужжатларда аке эттирилган мажбуриятлардан бошка хақикий ёки шартли мажбуриятларга, шунингдек бошка шахслар фойдасига берилган кафиликка эга эмас;

- Қарздорга нисбатан маъмурий, арбитраж ва суд ишлари қўзғатилмаган ва учинчи шахслар олдида Қарздорнинг мазкур шартнома буйича мажбуриятларини бажаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бажарилмаган мажбуриятлари йук;

- Қарздор томонидан унинг активлари учинчи шахслар фойдасига гаровга қўйилмаган. Қарздорнинг мулкига нисбатан ушлаб қолиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Банкнинг мажбуриятлари:

4.1.1. Ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган узоқ муддатли кредитни декабр 2015 йилдан – 2017 йил июнигача фойдаланиш ва белгиланган муддатда қайтариш шarti билан Қарздорга бериш.

4.1.2. Кредитдан фойдаланиш ҳисобини юритиш, кредит буйича қарзни қайтариш ва фойзаларни ҳисоблаш мақсадида есуда ҳисоб рақамини очиш.

4.1.4. Муддатли есудалар буйича йилига 10 % (ун) фойз миқдоридан фойз ҳисоблаш.

4.2. Қарздорнинг мажбуриятлари:

4.2.1. Кредитни ва у буйича ҳисобланган фойзаларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда уз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши ҳамда тўланишини таъминлаш.



4.2.2. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида тегишли тарзда расмийдаштирилган «Sirdaryo vino» АЖга тегишли бўлган Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳар К.Муллаев кўчаси 11А-уйда жойлашган 0008-литеридаги “Қунажний цех”, 0013-литеридаги “Тайёр маҳсулот омбори” ва 0014-литеридаги “Марказий омборхона” бино-иншоотларининг гаров шартномаси олинсин.

4.2.3. Кредитдан фойдаланиш жараёни давомида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилиқ, қайтаришлиқ, мақсадлилиқ, туловлилиқ, кредит қайтарилишининг ишончлилиги ва таъминланганлигига риоя қилиш.

4.2.4. Қарздорнинг молиявий ҳолатига, кредитнинг қайтарилишига ва фойзаларнинг туланишига, шунингдек кредитланаётган лойиҳани амалга оширилишига салбий таъсир килувчи ҳар қандай сезиларли ўзгаришлар ёки вужудга келган шароитлар ҳақида Банкка зудлик билан хабар бериш.

4.2.5. Банк ходимларини мақсадли текширишлар (Қарздорнинг молиявий ҳолати, ҳисоб юритиш ҳамда ҳисобот бериш аҳоли, кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитланган товар-моддий бойликларнинг ҳамда гаровга қўйилган мулкнинг сақланиш ва бўғлиги масалалари бўйича) ва назорат улчовлари утказишлари учун ишлаб чиқариш, омбор, хизмат ва бошқа биноларга киритиш, шунингдек уларнинг талабларига асосан бирламчи ҳисобот ва бухгалтерлик ҳужжатлари билан танишишларига рўхсат бериш.

Мақсадли текширишлар муддати Қарздорнинг розилигисиз Банк томонидан белгиланади.

4.2.6. Узининг фаолиятини амалга ошириш ва мазкур шартнома шартларини бажариш учун лозим бўлган барча рўхсат ва лицензияларни уз вақтида олиш ва уларни муддатини узайтириш.

4.2.7. Ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ёки Қарздорнинг молиявий аҳолига уз таъсирини утказувчи ҳар қандай бошқа қайта ташкил этиш ҳолатлари юзасидан Банкни олдиндан (15 кун илгари) хабардор қилиш.

4.2.8. Қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилиётганда зудлик билан кредитни қайтариш ва шартномада муддати тугамаганинидан қатъий назар, кредит бўйича барча фойзаларни тулаш.

4.2.9. Мазкур шартнома амал қилиш давомида Қарздор қуйидагиларни бажарилишини таъминлаши лозим:

- Уз фаолиятини малакали раҳбарлари назорати остида лозим даражадаги самарадорлик билан қонунчилиққа мувофиқ, шунингдек умумтан олинган тамойиллар ва соғлом амалиётга асосланиб амалга ошириш (фаолият юритиш);

- Уз мулкни, асбоб-усқуналари ва бошқа мол-мулкни нормал аҳолида сақлаш (асосий фондларни эксплуатация қилиш);

- Қарздорнинг молиявий ҳолатини ва унинг операциялари натижаларини аниқ ва тугри акс эттирадиган бухгалтерлик ҳисоби ва ички назорат тизимини ҳамда бошқа молия ҳисоботларини амалдаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи қондаларига асосан юритиш (олиб бориш);

- агар Банк бошқа шартларга рози бўлмаса, Қарздор айланма маблағларинининг белгиланган меъёр (норматив)дан, шунингдек бошқа коэффициентларнинг (қайтариш, ликвидлик, автономия ва бошқалар) кредит бериш вақтида қайд этилган даражадан паст бўлмаган ҳолда бўлишини таъминлаш;

- барча ҳисобварақларини Банкда сақлаш;

- кредитланаётган лойиҳани лозим даражадаги самарадорлик билан хавфсизлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш нормалари ва амалиётга асосан амалга ошириш;

- Уз мулкни Банк учун маъқул бўлган сугурта компаниясида сугурталаш;

- ҳар қандай суд ҳизматлари, шартномавий мажбуриятлардаги ёки молиявий ҳолатидаги кредитнинг қайтарилишига салбий таъсир қурсатувчи бошқа ўзгаришлардан Банкни хабардор қилиб туриш;

4.2.10. Мазкур шартнома қучда бўлган даврда, агар улар кредитланаётган лойиҳага ва/ёки Қарздорнинг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир қурсатадиган бўлса, Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан, Қарздор қуйидаги ҳаракатлардан бирортасини амалга оширмаёлиги зарур:

- бошқа кредиторлардан кредит ва қарз олиш, бошқа шахсларга кредит ва қарз бериш, унингчи шахсларнинг кредиторлари олдида қафил (ёки гарант) бўлиш, бошқа банкларда ҳар қандай ҳисобварақлар очиниш;

- шубба корхонаси очилш, уз таъсис хужжатларига катта ахамиятга эга булган мухим узгартиришлар киритиш;
 - хар кандай кайта ташкил этиш ва тугатишни амалга ошириш;
 - мулкнинг хаммасини ёки бир кисмини сотиш ёки бошка йуллар билан бегоналаштириш, бегона шахсларга бериш, ижарага бериш; гаровга куйиш, ушлаб колиш хукуки ва учинчи шахслар фойдасига уз мулкига нисбатан бошка имтиёзли хукукларни вужудга келтириш;
 - дивиденд тулаш ва фойдани бошка усулларда таксимлаш (мазкур шартнома кучга киргунга кадар олинган фойдалар учун дивидендлар тулаш бундан мустасно), бошка юридик шахсларнинг бирон-бир инвестицион кимматли коғозларини сотиб олиш;
 - бошка корхонани ёки учинчи томоннинг, компаниянинг ёки корхоналар мулкнинг катта кисмини сотиб олиш; уз капитални камайтириш.
- 4.2.11. Кредитдан факат мазкур шартномада курсатиб утилган мақсадларда фойдаланиш.

5. Томонларнинг хукуклари

5.1. Банкнинг хукуклари:

- 5.1.1. Кредит шартномаси имзолангунга кадар, лойиханинг техник-иқтисодий асосланганлигини экспертизадан утказиш, кредит пакетини тахлил килиш.
- 5.1.2. Қарздор туловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш буйича уз мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадсиз фойдаланганда, шартнома имзолангандан кейин такдим этилган кредитни кайтарилишига таъсир курсатувчи маълумот ва хисоботларнинг хакконий эмаслиги аниқланганда ҳамда Қарздор томонидан кредитдан 1 ойдан куп мулдат давомида фойдаланилмаганда (тулов хужжатларини такдим этмаслик) ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки кисман бош тортиш.
- 5.1.3. Кредитлаш жараёнида ажратилган кредитга тегишли булган бухгалтерия ва статистик хисоботларни (корхонанинг молиявий-хужалик ахволи, кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитнинг таъминланганлиги, кредитнинг кайтарилишини молиявий имкониятлари, кредит лаёқатлилиги ва бошқалар) олиш ва тахлил килиш.
- 5.1.4. Қарздорнинг хабардор қилган холда бошлангич фойз ставкасини, Марказий банкнинг кайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиккан холда узгартириш, ушбу шартнома буйича фойз ставкасини узгартириш тарафларнинг кушимча келишуви билан расмийлаштирилади.
- 5.1.5. Куйидаги холларда Қарздорни бундан буён кредитлашни тухтатиш ва фойзларни ҳамда кредит буйича асосий қарзни муддатидан олдин, жумладан ундирувни кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш:
- кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;
 - 60 кундан ортик муддатда кредит буйича асосий қарз ва фойзлар туланмаганда;
 - Қарздорнинг молиявий ахволи ёмонлашганда (зарарлар, ноликвид баланс ва бошқалар), бухгалтерлик хисоби лозим даражада юритилмаганда;
 - мазкур шартномага асосан Қарздор хисобот маълумотларини такдим этмаганда, Банк назоратидан буйини товлаганда (бош тортганда);
 - қурилиш тухтатилиб қуйилганда, қурилиш объекти консервация қилинганда;
 - Банкни олдиндан ёзма равишда хабардор қилмасдан, капитал камайтирилганда, мулклар бегоналаштирилганда, Қарздор кайта ташкил этилганда ёки тугатилганда;
 - кредитланаётган лойиха, шартноманинг бажарилишига доир Қарздор томонидан такдим этилган хисобот ва маълумотларнинг нотугрилиги (хакконий эмаслиги) аниқланганда;
 - ажратилган кредитнинг кайтарилиши турли сабабларга кура таъминланмаган булиб қолган холларда, шунингдек кредит кайтарилишига салбий таъсир курсатувчи мазкур шартномада кузда тутилган бошка мажбуриятлар бажарилмаганда.
- Бундай холларда Банк олдиндан 5 кундан куп булмаган муддат ичида Қарздорни хабардор қилиши лозим.

5.1.6. Бевосита Қарздор жойлашган ерда мақсадли текширишларни амалга ошириш.

5.2. Қарздорнинг хукуклари:

- 5.2.1. Олдиндан (5 кун давомида) Банкни хабардор қилиб, кредит олишдан тулик ёки кисман бош тортиш (воз кечиш);
- 5.2.2. Кредитни муддатидан олдин кайтариш.



5.2.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар буйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлардаги узгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш.

6. Ҳисоб-китоблар тартиби ва шартнома баҳоси

6.1. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Банк кредитни Қарздорнинг ҳисоб рақамидан пул утказиш йули билан таъминотчиларнинг ҳисоб рақамига тулаш учун ажратади.

6.2. Қарздор берилган кредит учун фоизларни Банкка мазкур шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда Банк ҳисоби асосида тулайди.

6.3. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб чиқарилади (*Марказий банкнинг марказлаштирилган ресурслари ҳисобидан кредитланган ҳолларда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ресурслар Банкнинг вакиллик ҳисобварағига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади*).

6.4. Асосий қарзни қайтариш муддати бузилганда (муддати утган кредит), Қарздор Банкка муддати утган даврнинг барчаси учун шартномада белгиланган фоизнинг 1,5 баравари миқдорда юқори фоиз тулайди.

Фоизларни белгиланган муддатда туламаганлиги ва улар буйича муддати утган суммалар вужудга келгани учун Қарздор Банкка кечиктирилган туловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 % миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 %идан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

Қарздор томонидан тақдим этилган тулов жадвал (график)ига асосан уз вақтида кредит ажратилмаганда, Банк Қарздорга кечиктирилган туловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,5 % миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50% идан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

7. Кредит қайтарилишининг таъминланиши

7.1. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредит «*Sirdaryo vino*» АЖга тегишли бўлган Сирдарё вилояти, Сирдарё шаҳар К.Муллаев кўчаси 11-уйда жойланган 0008-литеридаги «*Купажный цех*», 0013-литеридаги «*Тайёр маҳсулот омбори*» ва 0014-литеридаги «*Марказий омборхона*» бино-иншоотларининг гаров шартномаси билан таъминланади.

7.2. Кредит қайтарилиши таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шартнома) мазкур шартномага Илова бўлиб ҳисобланади.

7.3. Банк ушбу шартномага кура кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи, урнатилган тартибда тулик расмийлаштирилган ҳужжат (ипотека булган ҳолларда - ипотека шартномаси ноқарил тасдиқлангандан, давлат руйхатидан утгазилгандан ва гаровга қўйилган мулк мажбурий тартибда сугурталангандан сунг) тақдим этилганидан сунг, Қарздорга кредит беради.

8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1. Агар шартнома имзолангандан сунг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кура билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур Шартнома буйича олган мажбуриятларини қисман ёки тулик бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш буйича мажбуриятдан ташқари, қурилиши мумкин булган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

8.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнгин, зилзила, портлаш, бурон, ер қучқиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

8.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

8.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

8.6. Кредитлаш манбан Марказий банкнинг марказлаштирилган маблағлари булган ҳолатда, агар бирор-бир сабабларга кура кредит ажратиш кечиктирилган булса ёки муддатидан

оядин Марказий банк томонидан ресурслар қайтариб олинган бўлса, кредитнинг ажратилмаган қисми учун Банк жавобгар бўлмайди.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни муртаара ва маслаҳатлар йули билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар.

9.2. Агарда курсатиб утилган келишмовчилик ва низолар муртааралар йули билан ҳал қилинмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан Хужалик судида ҳал этилади.

10. Бошқа шартлар

10.1. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қушимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қушимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва муҳр билан тасдиқлангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қушимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

10.2. Ушбу шартнома имзолангандан ва кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ўрнатилган тартибда тулик расмийлаштирилган ҳужжат (ипотека бўлган ҳолларда - ипотека шартномаси нотариал тасдиқлангандан, давлат руйхатидан ўтказилгандан ва гаровга қўйилган мулк мажбурий тартибда сургурталангандан сунг) Банкка тақдим этилганидан сунг қучга қиради ва тарафлар учун мажбурий бўлади.

Мазкур шартнома тарафлар ўз мажбуриятларини тулик бажаргунга қадар амалда бўлади.

Ушбу шартнома бекор қилинишида Қарздор кредит бўйича асосий қарзни ва ҳисобланган фоизларни тулик қайтариши шарт.

10.3. Мазкур шартномада қузда тугилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

10.4. Томонларнинг банк реквизитлари, манзиллари, турар жойлари ўзгарган ҳолларда албатта бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

10.5. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир хил юридик қучга эга бўлган икки нусхада (3 варақда) тузилди.

11. Томонларнинг юридик манзиллари тулов реквизитлари, имзолари

Банк	Қарздор
<p>Манзил: АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Сирдарё минтақавий филиали. Гулистон шаҳар А.Навоий кучаси-48 уй. МФӨ: 00855 ИНН: 202346661 Х/Р: 16103000900000855001</p>	<p>Манзил: Сирдарё вил. Сирдарё шаҳар К.Муллаев кучаси 11а-уй. «Sirdaryo vino» АЖ “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Сирдарё мин. ф МФӨ: 00855 ИНН: 201290655 Х/Р: 20210000900204781001</p>
<p>О.Т.Раҳмонбердиев (раҳбар имзо)</p>	<p>Т.С.Джумапов (Раҳбар Ҳ.И.Ш.имзо)</p>
<p>А.Туракулов (бош бухгалтер)</p>	<p>Б.Ҳамидов (бош бухгалтер Ҳ.И.Ш.имзо)</p>
<p>Э.Бердимуратов (ҳуқуқшунос-маслаҳатчи)</p>	

1-сонли илова

"Sirdaryo vino» АЖнинг 23.12.2015 йилдаги №2015/ -сонли шартномага асосан "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Сирдарё минтақавий филиалидан олган кредит қарзини қайтарини графиси

Кредит суммаси: 500 000 000 сум

Фоиз: 10 (ун) фоиз

Кредит ҳисобварағини юритиш учун фоиз: 2 (икки) фоиз

1	2	3	4	5	6	7
Кредит қарзини юритиш тарихи	Ҳисобот ойи ва мавжуд кунлар сони	Асосий қарз	Ундирлиши бўлмаган асосий қарз	Кредит ҳисобварағини юритиш учун фоиз қарздорнинг	Ўзланган асосий бўлмаган фоиз қарздорнинг	Ҳисоб бир ойга ундирилган қарздорлик
ЖАМИ:						
			500 000 000	11 493 151	57 465 753	568 958 904
12.2015	8	500 000 000		219 178,08	1 095 890,41	1 315 068,49
01.2016	31	500 000 000		849 315,07	4 246 575,34	5 095 890,41
02.2016	31	500 000 000		849 315,07	4 246 575,34	5 095 890,41
03.2016	29	500 000 000		794 520,55	3 972 602,74	4 767 123,29
04.2016	31	500 000 000		849 315,07	4 246 575,34	5 095 890,41
05.2016	30	500 000 000		821 917,81	4 109 589,04	4 931 506,85
06.2016	31	500 000 000		849 315,07	4 246 575,34	5 095 890,41
07.2016	30	500 000 000		821 917,81	4 109 589,04	4 931 506,85
08.2016	31	500 000 000		849 315,07	4 246 575,34	5 095 890,41
09.2016	31	500 000 000	50 000 000	849 315,07	4 246 575,34	5 095 890,41
10.2016	30	450 000 000	50 000 000	739 726,03	3 698 630,14	54 438 356,16
11.2016	31	400 000 000	50 000 000	679 452,05	3 397 260,27	54 076 712,33
12.2016	30	350 000 000	50 000 000	575 342,47	2 876 712,33	53 452 054,79
01.2017	31	300 000 000	50 000 000	509 589,04	2 547 945,21	53 057 534,25
02.2017	31	250 000 000	50 000 000	424 657,53	2 123 287,67	52 547 945,21
03.2017	28	200 000 000	50 000 000	306 849,32	1 534 246,58	51 841 095,89
04.2017	31	150 000 000	50 000 000	254 794,52	1 273 972,60	51 528 767,12
05.2017	30	100 000 000	50 000 000	164 383,56	821 917,81	50 986 301,37
06.2017	31	50 000 000	50 000 000	84 931,51	424 657,53	50 509 589,04

Банк

Қарздор

Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар,
А.Навоий шох кўчаси 48-уй
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сирдарё
минтақавий филиали
МФО: 00855
ИНН: 202346661
Х/Р: 16103000900000855001

Т.Рахмонбердиев

(Рахбар имзо)

Б.Рахмонов

(бош бухгалтер)

Қўрсатма

(кредит бўлими бошчилиги)

Манзил: Сирдарё вил. Сирдарё шаҳар К.Муллаев кўчаси 11-уй.
«Sirdaryo vino» АЖ

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Сирдарё мин. ф

МФО: 00855

ИНН: 201290655

Х/Р: 20210000900204781001

Т.С.Джумаев

(Рахбар Ф.И.Ш.имзо)

Б.Хамидов

(бош бухгалтер Ф.И.Ш.имзо)